

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САБИРМАТОВ АЛИШЕР АБДИКАРИМОВИЧ**

**ПЕРИТОНИТНИ ДАВОЛАШДА АНТИБАКТЕРИАЛ ФОТОДИНАМИК  
ТЕРАПИЯНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ  
ЭКСПЕРИМЕНТАЛ-КЛИНИК АСОСЛАШ**

**14.00.27 –Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Сабирматов Алишер Абдикаримович**

Перитонитни даволашда антибактериал фотодинамик терапиянинг  
самарадорлигини экспериментал-клиник асослаш ..... 3

**Сабирматов Алишер Абдикаримович**

Экспериментально-клиническое обоснование  
эффективности фотодинамической антибактериальной терапии  
в лечении перитонита..... 23

**Sabirmatov Alisher Abdikarimovich**

Experimental and clinical substantiation of the effectiveness of  
photodynamic antibacterial therapy in the treatment  
of peritonitis..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САБИРМАТОВ АЛИШЕР АБДИКАРИМОВИЧ**

**ПЕРИТОНИТНИ ДАВОЛАШДА АНТИБАКТЕРИАЛ ФОТОДИНАМИК  
ТЕРАПИЯНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ  
ЭКСПЕРИМЕНТАЛ-КЛИНИК АСОСЛАШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.4.PhD/Tib1578 рақам билан руйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертациянинг автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Турсуметов Абдусаттар Абдумаликович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Сафоев Бакодур Барноевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Даутов Фарход Абдурасулович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**И.И. Джанелидзе номидаги Санкт-Петербург тез тиббий ёрдам Илмий текшириш институти**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Ш. Иноятов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Н. Ачилова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Н.А. Нуралиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти.** Дунёнинг қатор мамлакатларида XXI аср бошидан бошлаб жарроҳлик техникасини ривожланиши ва доимий такомиллашиб боришига қарамай, перитонит билан касалланиш ҳолати жарроҳлик амалиётлари ичида 20-35% ни ташкил қилади ва 19-60% ҳолатларда ўлимга олиб келади. Халқаро хирурглар ассоциацияси конгресси маълумотларига кўра «...перитонит оғир кечганда ўлим кўрсаткичи 25-30%, полиорган етишмовчилиги юзага келганда 90% ни ташкил этади, агар жарроҳлик амалиёти перитонит юзага келгандан сўнг биринчи соатларда ўтказилса 10%, бир кун мобайнида ўтказилса 50%, уч кундан сўнг ўтказилса ўлим кўрсаткичи 99% ни ташкил этади...»<sup>1</sup>. Қорин бўшлиғи аъзолари ўткир жарроҳлик касалликларини ўз вақтида аниқлаш, беморларни комплекс даволаш, замонавий технологияларни қўллаш, ихтисослаштирилган ёрдам даражасини ошириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш орқали беморлар ўлимни камайтиришга қаратилган чора тадбирлар алоҳида аҳамиятга эга.

Жаҳон миқёсида перитонитни даволашда янги, юқори самарали усулларни излаш ҳали ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда, айниқса тиббий технологиялар ривожланишининг ҳозирги босқичида. Лазер технологиялари ва LED - Light-Emitting Diode нурланишидан фойдаланиш истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади, лекин LED ва лазер нурларини яқка ҳолда микроорганизмаларга қарши антибактериал хусусияти мавжуд эмас. Бу йўналишида нурларни фотосенсибилизаторга таъсир эттириб, яъни антибактериал фотодинамик терапия усулидан фойдаланиш мақсадли ва ўта самарали даво усуллардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунга қадар самарали, токсик хусусияти кам, организмда элеминация жараёни тезкор бўлган фотосенсибилизаторларни топиш долзарб муаммолардан бири, шу билан бир қаторда мавжуд фотосенсибилизаторлар қиймати баланд эканлиги ҳам сир эмас. Бактериал омил перитонит этиопатогенезидаги асосий омиллардан бири эканлиги маълум, шу билан бирга янги β-лактамаза қобиғи мавжуд, антибиотикларга ўта чидамли микроорганизмларнинг пайдо бўлиши бу кўрсаткични янада ошириб бормоқда ва мавзунинг қанчалик долзарб эканлигини исботламоқда. Перитонит билан оғриган беморларнинг 58% даволаниш натижалари амалда буюрилган антибактериал дориларга боғлиқ эмас, бу эса перитонит билан оғриган беморларни даволашда янгича усулларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга эканлигини белгилайди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар билан бир қаторда, касалликни эрта аниқлаш, уларнинг асоратларини олдини олиш, касаллик ҳолатларини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш

---

<sup>1</sup>Complicated intra-abdominal infections in a worldwide context: an observational prospective study (CIAOW Study) / M. Sartelli, F. Catena, L. Ansaloni, E. Moore [et al.] // World Journal of Emergency Surgery. - 2013. - № 8. - P. 74 – 76.

сифатини ошириш, аҳолида соғлом турмуш тарзини шакллантириш...»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотларнинг республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Замонавий адабиётларнинг ишончли маълумотлари таҳлили шуни кўрсатдики антибиотикларга чидамли янги микроорганизм штамларини ҳосил бўлиши, операциядан кейинги инфекцион асоратлар сонининг ортиб бориши, шунингдек анъанавий даволаш усулларини самарадорлигини пасайиши қорин бўшлиғи жароҳлигида яллиғланиш касалликларига қарши янгича даволаш усулларини излаш кераклиги ва масала ханузгача долзарб эканлигини кўрсатиб келмоқда (Суковатых Б.С. 2014, Хаджибаев Ф.А. 2015, Черданцев Д.В. 2016).

Хаджибаев А.М. ва ҳаммуалл. фикрига кўра (2012) микроорганизмларга қарши таъсирга эга препаратларни қўллаш патогенетик нуқтаи назардан мутлақо тўғри усул ҳисобланади, лекин қорин бўшлиғини етарли даражада санация қилиш бу эндоген интоксикацияни энг муваффақиятли усули бўлиб келмоқда (Григорьев Е.Г. 2016, Рункова И.И. 2018).

Авваллари қорин бўшлиғини санация қилишнинг стандарт усуллари водород пероксиди, фурацилин эритмаси, озонланган сувлар, гипохлорид натрий эритмаси, баъзи ҳолларда диоксидин билан амалга оширилар эди. Аммо бу антисептиклар токсиклик даражаси юқорилиги ва антимиқроб таъсири камайиб боргани учун перитонитларда қўлланилишдан воз кечиб келинмоқда. Диоксидиннинг самарадорлиги тадқиқотларда исботланган ва ўлим кўрсатигичини камайтиришда ёрдам берган.

Сўнгги йилларда йирингли яраларни даволаш учун фотодинамик терапиядан муваффақиятли фойдаланиш тўғрисида хабарлар келмоқда (Исмаилов Г.М., 2017), перитонит бўйича фотодинамик терапия экспериментда ва клиникаларда ишлатилганлиги ҳақида алоҳида

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz

маълумотлар мавжуд (Тихов Г.В., 2014). Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, фотодинамик терапия нафақат маълум бир шароитда касаллик келтириб чиқарувчи сапрофит микрофлораларга (*S. epidermidis*, *Micrococcus spp.*, *Sarcina spp.*, *Coryneform бактериялар*, *Propionibacterium spp.* ва бошқалар) зарар етказувчи таъсирга эга, балки антибиотикларга ўта чидамли *S.aureus* каби микроорганизмларга ҳам самаралидир (Ҳамдамов Б.З., 2020). Кўпгина олимлар граммусбат бактерияларни кўринувчи ёруғликни ўзлаштирадиган бир қатор фотосенсибилизаторларнинг фотосенсибилизацияси таъсирига жуда сезгир эканлигини аниқладилар (Содиков Р.А., 2012, Исмаилов Г.М., 2017, Сағдиев Р.Д., 2017) .

Фотодинамик терапиянинг кенг миқёсда ривожланиб турли йўналишларда қўлланилиши фотодиагностикада, хавфли ва хавфсиз ўсимталарни даволаш, турли хил яллиғланиш жараёнларини даволаш, тўқималар регенератор хусусиятларини кучайтириши мумкинлиги ва ФДТ нинг бактерицид хусиятлари бу усулни тарқалган перитонитни даволашда экспериментда ва клиникада қўллаб кўриш ва ўрганишга уриниш имконини беради. Ушбу концепция асосида тарқалган перитонитни даволаш учун қорин бўшлиғини анъанавий усулда антисептик хлоргексидиннинг 0,02% ли сувли эритмаси билан ювиш ва янгича ёндошув метилен кўки ёрдамида қорин бўшлиғини фотодинамик терапия ўтказиш каби усулларни таққослаб кўриш илмий ҳам амалий қизиқиш уйғотади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ № 01980006703 «Қорин бўшлиғи аъзолари ўткир хирургик касалликларини даволаш натижаларини хирургик тактикани мукаммаллаштириш ва янги усулларини яратиш орқали яхшилаш» мавзусидаги (2018-2022 йй) амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Антимикроб фотодинамик усулини ишлаб чиқиш ва фотодинамик терапияни перитонитларда экспериментал синаб кўриш ва клиникаларга комплекс даво учун киритиш самарадорлигини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари қуйдагилардан иборат:**

перитонитга хос бўлган микроорганизмларда *in vitro* "ВОСТОК-010203" фотодинамик аппарати ёрдамида фенотиазин фотосенсибилизатори бўлган метилен кўкини микробларга қарши хусусиятини ўрганиш ва метилен кўкининг оптимал концентрациясини ва нурнинг микробларга қарши самарали таъсир қилиш вақтини аниқлаш;

тажрибада соғлом қорин пардага метилен кўки билан фотодинамик терапия таъсирини ва 0,02% ли хлоргексидин эритмасини таъсирини морфологик ўзгаришлар асосида баҳолаш, ўрганиш ва морфологик ўзгаришларни таққослаш;

тажрибада метилен кўки ёрдамида перитонит учун антимикроб фотодинамик терапия усулини ишлаб чиқиш ва унинг натижаларини қорин

бўшлиғи анъанавий санация қилиш усули билан таққослаб самарадорлигини аниқлаш;

перитонитни комплекс даволашда метилен кўки ёрдамида қорин бўшлиғини фотодинамик санация қилиш усулини клиник амалиётга жорий этиш ва самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида вазифаларга мувофиқ Фармацевтика институти экспериментал лабораториясида 161 та зотсиз оқ танли каламушларда ўтказилган тажрибалар натижалари ва Тошкент шаҳридаги И.Эргашев номли 4-клиник шифохонасининг хирургия бўлимида тарқалган перитонит билан даволанган 97 та беморлар яъни 46 та асосий ва 51 та назорат гуруҳидаги беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида тарқалган перитонит билан касалланган беморларда ўтказилаган анъанавий хлоргексидин ва янгича фотодинамик санация усулларини қўллаш, даволаш ва баҳолаш материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда экспериментал, клиник, биокимёвий, лаборатор, микробиологик, морфологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ҳақиқатдан "ВОСТОК-010203" аппарати ёрдамида ўтказилган антимикроб фотодинамик терапия усули *in vitro* ва *in vivo* ўтказилган тажрибаларда перитонит учун хос бўлган патоген микроорганизмларга қарши антибактериал самарадорлиги исботланган;

метилен кўки билан ўтказилган фотодинамик терапияни экспериментал ҳайвонларда қорин парданинг морфологик ҳолатига таъсири аниқланган;

экспириментал перитонит ҳолатида фотодинамик терапия ёрдамида қорин бўшлиғини санация қилиш усули ишлаб чиқилган, шунингдек, клиникада қорин бўшлиғини санация қилиш учун фотодинамик терапиядан фойдаланиш самарадорлиги исботланган;

тарқалган йирингли перитонитли беморларни даволашда метилен кўки фотосенсибилизатори (метилен кўки концентрацияси - 0,05%), таъсир қилиш вақти (5-10 минут), нурланиш энергиясининг зичлиги (25-35 Дж/см<sup>2</sup>) билан фотодинамик санациясининг оптимал параметрлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

фотосенсибилизатор метилен кўки ёрдамида фотодинамик терапия учун "ВОСТОК-010203" аппарати ишлатилиши йирингли инфекциянинг деярли барча қўзғатувчиларига қарши бактерицид таъсир этиши исботланган;

метилен кўки концентрацияси 0,05%, тўлқин узунлиги 640±20 nm, қувват зичлиги 25-35 Дж/см<sup>2</sup> эга фотодинамик терапия 5-10 дақиқа давомидаги таъсирида соғлом қорин пардага зарар етказмаслиги исботланган;

йирингли перитонитни даволашда фотодинамик терапияни метилен кўки билан бирга қўллаш даволаш натижаларини эрта ижобий томонга силжишига ва операциядан кейинги асоратлар сонини камайиши аниқланган.



**Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги** тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жihatдан тўғрилиги, эксперимент ҳажми, беморлар сонининг етарли эканлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг халқоро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижалари перитонит билан оғриган беморларни даволаш муаммосини ҳал қилишга катта ҳисса қўшганлиги, йирингли перитонит билан оғриган беморларда ФС метилен кўки ёрдамида фотодинамик санация усули илк бор ишлаб чиқилганлиги ва мамлакатимизда илк бор тадбиқ этилганлиги ва самарадорлиги исботлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти перитонитларда қорин бўшлиғини фотодинамик санация қилиш усули қорин бўшлиғи инфекциясини анъанавий даволаш усулидан кўра бир неча бора камайтириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Тарқалган перитонитда қорин бўшлиғининг фотодинамик санацияси ёрдамида олинган илмий натижаларга асосида:

перитонитларда фотодинамик санациясидан фойдаланиш орқали даволаш самарадорлигини ошириш имкониятларини такомиллаштириш борасида олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Метилен кўки ёрдамида тарқалган перитонит билан қорин бўшлиғини фотодинамик санация қилиш усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 25 январдаги 8н-р/70-сон маълумотномаси). Натижада тарқалган перитонит билан оғриган беморларни жарроҳлик даволаш натижаларининг яхшиланишига, операциядан кейинги асоратларни камайишига, касалхонада ётиш куни ўртача давомийлигини қисқаришига ва беморларнинг эрта ижтимоий ва меҳнат реабилитациясига ёрдам берган;

экспериментда ва клиникада тарқалган йирингли перитонитни даволаш учун фотодинамик терапия усулидан фойдаланиш орқали олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Перитонитда фотодинамик терапия қўлланилишини экспериментал-клиник асослаш» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 14 июндаги 8н-р/505-сон маълумотномаси). Натижада тарқалган йирингли перитонит билан оғриган беморларни операциядан кейинги даврни енгил кечиши, беморлар ҳаёт сифати даражасини ошириш ва саломатлик ҳолатини тиклаш имконини берган;

перитонитни даволашда фотодинамик антибактериал терапиянинг самарадорлигини экспериментал-клиник асослаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиалига, Илиёс

Эргашев номли 4-сонли шаҳар клиник касалхонасига, Чирчик тиббиёт бирлашмасига ва Қибрай тиббиёт бирлашмасининг амалий фаолиятига жорий этиган. Натижада тарқалган перитонит билан оғриган беморларни жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни 2 маротаба, ўрин-кунлар давомийлигини 3 кунгача камайтириш, беморлар ҳаёт сифати даражасини ошириш ва саломатлик ҳолатини тиклаш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 3 та халқоро илмий амалий конференцияларда ва 3 та республика миқёсидаги конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг таркиби ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 108 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациясининг **"Тарқалган перитонитни даволаш муаммосининг долзарблиги"** деб номланган биринчи бобида тарқалган перитонитни даволаш муаммоси бўйича маҳаллий ва хорижий адабиёт манбаларини ўрганиш, шу жумладан жарроҳлик аралашувлари, қорин бўшлиғи санациясининг интроператив усуллари, операциядан кейинги асоратлар, ўлим кўрсаткичлари ёритилган. Диссертациянинг **"Тадқиқот материаллари ва усуллари"** деб номланган иккинчи бобида белгиланган мақсад ва вазифаларга мувофиқ диссертация тадқиқотлари режаси ишлаб чиқилган, тадқиқот объекти ва замонавий тадқиқот усуллари мажмуаси танланган.

Диссертациянинг **"Тадқиқот усуллари ва клиник материалнинг умумий таснифи"** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг клиник материаллари ва усуллари тавсифи тақдим этилган. Ишнинг экспериментал қисмида оғирлиги 180-200 гр бўлган 161 та оқ зотсиз каламушлардан фойдаланилган бўлиб, барча тадқиқотлар "Экспериментал ва

бошқа илмий мақсадларда ишлатиладиган умуртқали ҳайвонларни химоя қилиш бўйича Европа конвенсияси" га мувофиқ амалга оширилган.

Тарқалган нажасли перитонит моделини яратиш учун Блинков Ю.Ю. (2008й.) ўзгартирилган усулидан фойдалилган. Бунда каламушларнинг тана ваъзни ҳисобга олиниб 100 гр тана вазнига 0,5 мл миқдорда филтрланган, 10%ли нажас аралашмаси қорин бўшлиғига юборилган. Экспериментал каламушларнинг қорин бўшлиғига нажас моддаси киритилгандан сўнг, иккинчи ва учинчи кунлари кенг тарқалган нажасли перитонитнинг клиник кўриниши ривожланган.


Барча ҳайвонлар 4 гуруҳга бўлинган, биринчи гуруҳда соғлом қорин пардага метилен кўки, нур таъсири, хлоргексидининг 0,02% миқдорининг таъсири ва фотодинамик терапия (ФДТ) таъсири ўрганилган бўлса (n=75), иккинчи гуруҳда Ю.Ю. Блинков модели бўйича перитонит чақиритиш ва даволашсиз ҳайвонлар умр давомийлиги ўрганилган (n=18); учинчи ва тўртинчи гуруҳда перитонит шаккиллантириш ва қорин бўшлиғини хлоргексидин билан санация қилиш (назорат гуруҳи n=28) ва қорин бўшлиғини фотодинамик санация қилиш (асосий гуруҳ n=40) ўрганилаган.

Экспериментда, асосий ва назорат гуруҳларида фақат қорин бўшлиғи санацияси турли усулларда амалга оширилган, қолган даволаш тактикалари фарқ қилмаган. Қорин бўшлиғи санациядан сўнг асосий ва назорат гуруҳларидаги ҳайвонларга тана вазнини ҳисобга олиниб кун давомида 2 мг/кг миқдорда гентамицин эритмаси мушак орасига юбориб турилган.

Ю.Ю. Блинков усулида қорин бўшлиғига 10%ли нажасли эритма юборилгандан сўнг бир кун ўтиб иккала асосий ва назорат гуруҳи ҳайвонларида нажасли перитонитга хос макроскопик ўзгаришлар юзага келган яъни қорин бўшлиғида кўп миқдорда яллиғланиш экссудати мавжудлиги, вицерал ва париетал қорин пардани фибрин бирикмалари қоплаганлиги, ичак лимфа тугунларининг каталашиши, ичаклар парези, ингичка ичак ичида хаво борлиги, париетал ва висцерал қорин парда томирларнинг тўлақонлилиги каби макроскопик ўзгаришлар кузатилаган.

Тадқиқотнинг клиник қисмида тарқалган перитонит билан оғриган беморларни даволаш натижалари таҳлил қилинган, беморларнинг назорат гуруҳида қорин бўшлиғи 0,02%- хлоргексидин эритмаси (51 нафар бемор) билан анъанавий усулда санация қилинган, асосий гуруҳда эса (46 нафар бемор) қорин бўшлиғини фотодинамик санация усули 0,05% метилен кўки (МК) эритмаси ёрдамида бажарилган.


Параметрик ва параметрик бўлмаган таҳлил усуллари ёрдамида тадқиқот материаллари статистик жиҳатдан қайта ишланган. Дастлабки маълумотларни тўплаш, тузатиш, тизимлаштириш ва натижаларни визуализация қилиш Microsoft Office Excel 2016 электрон жадвалларида статистик таҳлил IBM SPSS Statistics v. 23 дастури (IBM Corporation томонидан ишлаб чиқилган) ёрдамида амалга оширилган.



**1-расм.** Қорин бўшлиғининг фотодинамик санацияси.

Диссертациянинг "**In vitro тажрибасида метилен кўкининг бактерицид хусусиятларини микробиологик асослаш**" деб номланган учинчи бобида тадқиқот натижалари маълумотлари келтирилган.

Тарқалаган перитонит билан касалланган беморларда ўтказилган клиник ва лаборатор илмий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, перитонитнинг асосий кўзгатувчилари бир нечта микроорганизмлар, улар жумласига биринчи ўринда қуйидагилар киради: *E.coli* - 46% ни, *S.aureus* - 28% ни, *Enterococcus spp* - 12% ни, *C.albicans* - 7% ни ва *S.epidermidis* - 5% ни ташкил этди. Микроорганизмларга фотодинамик усул бактерицид таъсирини ўрганиш учун бактерия колониялари НИИ ЭМИЗ МҲ РУз инсон микроорганизмларининг миллий коллекциясидан олинган. Перитонитга хос бўлган микроорганизм колонияларида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики фотодинамик терапия яъни  $640 \pm 20$  нм тўлқин узунлигига ва 25-35 нм га тенг энергия зичлигига эга бўлган LED нурланишли ускуна билан "ВОСТОК 010203" ва 0,05%ли метилен кўки биргаликда қўлланганда яққол бактерицид хусусиятни намоён этиб берган (2- ва 3-расмлар).




**А шакл.** *S.aureus* 0,05% + PDT 10 минутлик бактерицид таъсир зонаси 3,0 см.



**Б шакл.** *S.epidermidis* PDT + MS 0,05% 10 минутлик бактерицид таъсир зонаси 4,0 см.

**2-расм.** Фотодинамик терапияни *S.aureus* ва *S.epidermidis* колонияларига бактерицид таъсири.




**А шакл.** ФДТ + МК 0,05% 10 минутлик бактериоцид таъсир зонаси 3,2 см.

**Б шакл.** ФДТ + МК 0,05% 10 минутлик бактериоцид таъсир зонаси 3,5 см.


**3-расм.** Фотодинамик терапияни *E.coli* ва *Enterococcus spp.* колонияларига бактериоцид таъсири.

Диссертациянинг "Тарқалган перитонитда фотодинамик терапия самарадорлигини экспериментал асослаш" деб номланган тўртинчи бобда экспериментал хайвонларда лапаротомиядан сўнг қорин бўшлиғи физиологик эритма билан ювилиб сўнг қорин бўшлиғига 3 мл миқдорда МК юборилган 5 дақиқа давомида экспозиция қилинган, сўнгра ФДТ 25-35 дж/см<sup>2</sup> дозада 5 дақиқа давомида қўлланилиши ўрганилган. Экспериментал перитонит чақирилган хайвонларнинг назорат гуруҳида қорин бўшлиғи 0,02% хлоргексидин эритмаси билан ювилган. Даволаш натижалари 3 дан то 7 кунга қадар динамикада кузатилган лабаратор, биохимик натижалар таққослаб борилган. Асосий гуруҳда, фақат еттинчи кун лейкоцитлар нормал ҳолатига қайтган ( $10,7 \pm 0,39$ ), аммо назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич юқориликча қолган ( $14,9 \pm 0,42$ ). ЛИИ асосий гуруҳдаги хайвонларда қорин бўшлиғи ФДТ санациясидан сўнг биринчи кун ЛИИ нинг  $4,43 \pm 0,15$  дан то  $3,91 \pm 0,13$  гача пасайиш тенденцияси кузатилган ва еттинчи кун у нормал ҳолатга қайтган. Назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич юқориликча қолган, яъни захарланиш кўрсаткичи юқори бўлиб қолаверган (расм-4).



**4-расм.** Лейкоцитар интоксикация индексининг динамикаси (ЛИИ, бирлик).

Креатинин ва мочевина миқдорини таҳлил қилишда, кўрсаткичлар статистик жиҳатдан муҳим фарқларни кўрсатиб берган ( $p < 0,05$ ). Дастлабки 5 кун ичида иккала гуруҳда креатинин ва мочевина сезиларли даражада кўпайган, 4-5-кунларда асосий гуруҳда иккала кўрсаткич нормал ҳолатга қайтган (5-расм).



**5-расм.** Асосий ва назорат гуруҳлари ҳайвонларида мочевинани (ммол/л) ўзгариши динамикаси.

Қонда фермент кўрсаткичларни таҳлил қилишда иккала гуруҳда бир хил ижобий динамика кузатилган. Бешинчи кунга келиб асосий гуруҳда АсАТ ва АлАТ фаоллигининг сезиларли пасайиши кузатилган ( $p < 0,05$ ).

Экспериментал ҳайвонлар орасида асосий гуруҳдаги ўлим 7,5% ни, назорат гуруҳида эса 25% ни ташкил этган, яъни қорин бўшлиғини санация қилиш учун ишлаб чиқилган ФДТ усули экспериментал ҳайвонларнинг асосий гуруҳдаги тирик қолиш даражасини сезиларли даражада оширишга имкон берган. Назорат гуруҳидаги юқори ўлим кўрсаткичлари сабабларидан бири бу хлоргексидиннинг қонга сингиб ҳаётий муҳим аъзоларга захарли таъсиридир. Ўтказилган тадқиқотлар ва олинган маълумотлар шуни кўрсатдики ФДТ усули анъанавий санация усули билан таққослаганда юқори ижобий натижаларни кўрсатган.


Шундай қилиб, экспериментал перитонит билан даволашда анъанавий ва янги ишлаб чиқилган ФДТ усули клиник-морфологик, лаборатор ва бактериологик натижаларини таҳлил қилиш ФДТ усулининг самаралироқ эканлигини исботлаб берган.

Диссертациянинг "**Тадқиқотда тарқалган перитонитда фотодинамик терапия самарадорлигини морфологик асослаш**" деб номланган бешинчи бобида экспериментал ҳайвонларда соғлом қорин пардага ва қорин бўшлиғи тарқалган перитонитда 0,02% хлоргексидин ва фотодинамик терапияни қорин парда ултраструктуравий элементларига таъсири ўрганилган.


МК нинг 0,05% ли концентрациясида қорин парда мезотелий хужайралари юзаки қисмида десквомация келтириб чиқариши, шу билан бир қаторда мезотелиал хужайраларнинг нотекис жойлашиши ва полиферация

жараёни кузатилганлиги аниқланган. Париетал ва висцерал қорин пардага 5 минут давомида энергия зичлиги  $25-35 \text{ мВт/см}^2$  га тенг бўлган LED нурланиши морфологик ўзгаришларни келтириб чиқармаган.

Хлоргексидиннинг 0,02% сувли эритмаси, ҳайвонларнинг қорин бўшлиғига юборилганда, висцерал ва париетал қорин пардага зарарли таъсир кўрсатган (расм-6).



А



Б

**6-расм.** Қорин бўшлиғи 0,02% хлоргексидин ва МК билан фотодинамик санациядан сўнг гистологик кўриниши.

**А. расмда.** Хлоргексидин таъсиридан кейинги морфологик ўзгаришлар. Париетал қорин парданинг таркибий қисмларини дезорганизацияси, мушак толалари таранглиги йўқолган, тўқималар интерстцияси нотекис шишган, интерстцияда ингичка толали бириктирувчи тўқималар ҳосил бўлган.

**Б. расмда** МК билан ФДТ таъсиридан кейин висцерал қорин парда томирларида тўлақонлик, висцерал қорин парда мезотелиал ҳужайраларининг интенсив кўпайиши, ҳали шаклланмаган мезотелиал ҳужайралари гуруҳи пайдо бўлиши кузатилган. Расмлар 10x10 масштабда катталаштирилган.

Динамик кузатувда қорин парданинг гистологик кўриниши ФДТ да 0,02% хлоргексидин эритмасига нисбатан яққол яхшироқлиги исботланган. Метилен кўкнинг мавжудлиги, усулнинг ишончлилиги, соддалиги, фотодинамик таъсирнинг МК билан комбинациясининг зарарли таъсирини истисно қилиш, қорин бўшлиғини фотодинамик санация усулини клиник амалиётга киритиш имконияти тўғрисида хулоса қилишга имкон берган.

Диссертациянинг "**Тарқалган перитонитни комплекс даволашда фотодинамик терапияни қўллашнинг клиник натижалари**" деб номланган олтичи бобида клиник тадқиқот натижалари келтирилган.

Клиник материаллар Тошкент шаҳридаги ТошПТИ клиник базаси ҳисобланган Илёс Эргашев номидаги 4-сон шаҳар клиник касалхонасига перитонит касаллиги билан мурожат этиб келган ва даволаниш учун ётқизилган 97 нафар беморларни (54 та эркак ва 43 та аёл) текшириш ва даволаш маълумотларини ўз ичига олган. Перитонит хасталиги билан мурожат этганларнинг асосий қисмини 17 ёшдан то 77 ёшгача бўлган беморлар ташкил этади

Тадқиқот материаллари 2 гуруҳга бўлинган: 97 та беморларни текшириш ва даволаш маълумотларига асосланган ҳолда асосий (n=46) ва назорат (n=51) гуруҳларига бўлинган. Даволашнинг асосий усули жарроҳлик аралашув бўлиб, унга перитонит манбасини йўқ қилиш, қорин бўшлиғини операция давомида санация қилиш, рационал дренажлаш ва кўрсатмаларга кўра ошқозон ва ичакни зондли декомпрессия қилиш киради.

Клиникада анъанавий йўл билан даволанган беморлар назорат гуруҳини ташкил қилган ва уларни қорин бўшлиғи 0,02% хлоргексидин эритмаси билан ювилган. Асосий гуруҳда эса беморларни даволашда умумий қабул қилинган принциплардан ташқари метилен кўк эритмаси билан қорин бўшлиғи фотодинамик терапия ўтказилган.

Перитонит хасталигини таснифлашда биз Савчук Б.Д. (1979 й) таснифидан фойдаландик, чунки бу тасниф қулай, даволаш тактикаларини танлашда қийинчилик туғдирмайдиган ва кенг қамровли бўлиб Фёдоров В.Д. бўйича хасталикни тарқалганлик даражаси ва Симонян К.С. бўйича хасталикни фазалари таснифларини ўз ичига қамраб олган.

Ёндош касалликлар бўйича асосида гуруҳлар таққосланганда: асосий гуруҳда 17 та бемор (36,9%), назорат гуруҳда эса 21 та беморда (41,1%) юрак қон-томир касалликлари аниқланган. Беморларда тарқалган перитонитни келтириб чиқарган сабаблар орасида аппендицитнинг деструктив шакллари 12 та беморда (26,1%), тешилган ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси 26 та беморда (56,5%) ва деструктив холецистит 5 та беморда (10,9%) ташкил этган.

#### 1-жадвал

#### Қорин бўшлиғидан бактериологик экмалар

Аниқланган микроорганизмлар	Назорат гуруҳи (n=35)		Асосий гуруҳ (n=37)	
	абс.	%	абс	%
<i>E.coli</i>	12	34,2	15	40,5
<i>E.coli + S.aureus</i>	7	20	10	27
<i>E.coli + S.epidermidis</i>	5	14,2	4	10,8
<i>C. albicans</i>	4	11,4	3	8,1
<i>Enterococcus spp.</i>	3	8,5	3	8,1
Стерил (ўсиш кузатилмади)	4	11,4	2	5,4

Назорат гуруҳидаги беморларда қорин бўшлиғидан бактериологик экма 35 та бемордан олинган, 12 (34,2%) беморда *E.coli*, 7 (20%) беморда *E.coli* ва *S.aureus*, 5 (14,2%) беморда *E.coli* ва *S.epidermidis*, 4 (11,4%) беморда *C. albicans*, 3(8,5) беморда *Enterococcus spp.* ва 4 (11,4%) ҳолатда эса ўсиш кузатилмаган.

Операция давомидаги экмалар асосий гуруҳдаги 37 та (51 бемордан) беморларнинг қорин бўшлиғидан олиб ўстирилган. Асосий гуруҳдаги 15



(40,5%) беморда *E.coli*, 10 (27%) беморда *E.coli* ва *S.aureus*, 4 (10,8%) беморда *E.coli* ва *S.epidermidis*, 3 (8,1%) беморда *C. albicans*, 3(8,1) беморда *Enterococcus spp.* ва 2 (5,4%) ҳолатда эса ўсиш кузатилмаган, эҳтимол анаэроб инфекция сабабдир (1-жадвал).

Умуман олганда, бизнинг бактериологик тадқиқотларимиз кенг тарқалган йирингли перитонит билан оғриган беморларда қорин бўшлиғи ва операциядан кейинги жароҳатни йиринглашини юқори даражасини кўрсатади. Асосий гуруҳ (n=46) қорин бўшлиғини фотодинамик санация усули: бирламчи ўчоқ бартараф этилгандан сўнг, жарроҳлик аралашув пайтида қорин бўшлиғидаги эксудат сўрилиб эвакуация қилинади, сўнгра метилен кўки ФС 0,05%-100, 200 мл микдорда юборилади, қорин бўшлиғи барча қисмларига ФС эритмаси МК тарқатилади. Кейинги 5 дақиқа ичида эритма қорин бўшлиғида сақланиб турилади ва қорин бўшлиғи қайта қуритилади. Сўнгра қорин бўшлиғи ВОСТОК-010203 LED аппарати билан тўлқин узунлиги  $660\pm 20$  нм га тенг бўлган нурланиш таъсирида нурланади. Нурланишдан сўнг қорин бўшлиғи яна изотоник эритма билан ювилади. Бактериологик экмалар эса қорин бўшлиғининг турли жойларидан тампон ёрдамида олинган. Йиринг тарқалганлик даражасига қараб, қорин бўшлиғига қарши тешиқлар орқали найчалар ўрнатилади. Назорат (n=51) гуруҳида перитонит сабабли лапаротомия қилинган беморларда қорин бўшлиғи аъзолари қайта кўриб чиқилиб, перитонит манбаси йўқ қилиниб сўнгра қорин бўшлиғи уч литр изотоник эритмаси ёрдамида ювилгн ва найчаланган, кейин қорин бўшлиғини санация қилиш учун 0,02% хлоргексидин эритмасидан фойдаланилган. Бундан ташқари, даволашнинг анъанавий усуллари инфузион даво (кристаллоид, коллоид, плазма ўрнини босувчи эритмалар, плазма ва бошқалар), антибактериал даво йирингли перитонитнинг сабаби ва флора чидамлилигига қараб кенг спектрдаги антибиотик (сульбактам цефалоспоринлар) гуруҳларидан фойдаланилган.

Жараённинг оғирлигини ва унинг кечишини баҳолаш учун клиник ва лаборатор текширувларидан қуйидагилар танланди: тана ҳарорати, томир уриш сони, лейкоцитлар миқдори, нейтрофиллар, ЭЧТ, ЛИИ, оксил миқдори, АЛТ, АСТ, мочевина ва креатинин. 2-жадвалда назорат гуруҳидаги беморларда тарқалган перитонитли беморларнинг клиник ва лаборатор кўрсаткичлари келтирилган. 3-жадвалда эса асосий гуруҳдаги беморлар натижалари келтирилган. 2- ва 3- жадваллардан кўришиб турибдики, назорат гуруҳида тана ҳарорати 7-куни юқори бўлиб қолади, асосий гуруҳда эса ҳарорат  $36,82\pm 0,5$  га тушган. Юрак уриш сони асосий гуруҳда 7 куни бир дақиқада 84 бора бўлса назорат гуруҳида юрак уриш сони 92 бора яъни эндоген интоксикация бартараф этмаган, бу иситманинг юқорилиги билан ҳам тасдиқланган. Асосий гуруҳдаги ЛИИ 7-куни деярли нормал ҳолатга келди, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич меъёрдан юқори бўлиб қолган. Мавжуд йирингли перитонит фонида иккала гуруҳдаги беморларда ЭЧТ табиий равишда дастлаб юқори бўлган: таққослаш гуруҳида -  $30,8\pm 1,1$  мм/с ва асосий гуруҳда -  $28,34\pm 1,0$  мм/с. 7-куни асосий гуруҳдаги ЭЧТ -  $18,88\pm 0,58$  мм/с, назорат гуруҳида эса у  $23,9\pm 0,87$  мм/с дан юқори бўлган.

**2-жадвал**

Тарқалган перитонит билан оғриган беморларнинг клиник ва лаборатория кўрсаткичлари. Назорат гуруҳи (n=51)

Кўрсаткич (норма бирлик ўлчовида)	Қабул пайтида	Жарроҳликдан кейинги ҳолат		
		1 суткада	3 суткада	7 суткада
Тана ҳарорати (°C)	38,6±0,22	38,4±0,22	37,9±0,21*	37,5±0,17***
Пульс (тез/мин)	125,8±2,8	120,2±3,0	114,2±3,1*	92,5±1,3***
Лейкоцитлар сони (4,0-8,8x10 <sup>9</sup> /л)	19,21±0,58	23,7±0,73***	15,9±0,59***	11,8±0,47***
таёкча ўзакли нейтрофиллар (1,0-6,0%)	9,35±0,29	11,7±0,35***	7,9±0,28**	3,93±0,15***
Сегмент ўзакли нейтрофиллар (47,0-72,0%)	64,59±1,9	72,2±2,2*	68,8±2,3	65,8±2,6
Моноцитлар (3-11%)	4,6±0,15	5,9±0,18***	8,7±0,24***	10,9±0,34***
ЛИИ (0,3-1,5 бирлик)	4,2±0,56	3,1±0,38***	2,8±0,26***	2,2±0,19***
ЭЧТ (2,5-15 мм/с)	30,8±1,1	38,2±1,2***	26,9±0,94*	23,9±0,87***
Умумий оксил	53,84±1,7	51,1±1,6	59,1±1,9*	58,8±1,8*

Изоҳ: \* - қабул қилиш кўрсаткичлари билан таққослаганда ишончли (\*-P<0,05; \*\*-P<0,01; \*\*\*-P<0,001)

**3-жадвал**

Тарқалган перитонит билан оғриган беморларнинг клиник ва лаборатория кўрсаткичлари. Асосий гуруҳ (n = 46)

Кўрсаткич (норма бирлик ўлчовида)	Қабул пайтида	Операциядан кейинги давр		
		1 сутки	3 сутки	7 сутки
Тана ҳарорати (°C)	38,51±0,23	38,28±0,22	37,51±0,17**	37,1±0,13***
Пульс (тез. /мин)	130,3±2,5	123,7±2,7	96,52±3,02***	84,26±2,5***
Лейкоцитлар сони (4,0-8,8x10 <sup>9</sup> /л)	18,52±0,62	23,32±0,68***	11,92±0,47***	9,42±0,36***
таёкча ўзакли нейтрофиллар (1,0-6,0%)	10,23±0,33	11,07±0,37	5,87±0,24***	1,92±0,08***
Сегмент ўзакли нейтрофиллар(47,0-72,0%)	64,78±2,10	73,35±2,3*	62,28±2,11	56,61±1,9*
Моноцитлар (3-11%)	5,0±0,17	7,5±0,23***	11,7±0,35***	14,9±0,47***
ЛИИ (0,3-1,5 бирлик)	4,0±0,59	2,8±0,27***	2,2±0,11***	1,7±0,09***
ЭЧТ (2,5-15 мм/с)	28,34±1,0	35,1±1,2***	23,82±0,93**	18,54±0,68***
Умумий оксил	59,65±2,02	57,39±1,8	61,11±2,1	66,83±2,3*

Изоҳ: \*- қабул қилиш кўрсаткичлари билан таққослаганда ишончли (\*-P<0,05; \*\*-P<0,01; \*\*\*-P<0,001)

Назорат гуруҳида биохимик индикаторлар 5 кун ижобий ўзгара борган, аммо 7 кун ичида ҳам ҳали нормал кўрсаткичларга эришмаган. Асосий

гуруҳда эса 3-кун таққослаш гуруҳига нисбатан сезиларли ижобий фарқ қайд этилдиган, асосий гуруҳда 5-кунга келиб мочеви́на даражаси назорат гуруҳига қараганда 1,3 барабар паст бўлган. Креатинин даражасининг динамикасини таҳлил қилишда ҳам сезиларли ўзгаришлар қайд этилган. (4-жадвал)

#### 4-жадвал

### Асосий ва назорат гуруҳларидаги беморларда қон биокимёвий кўрсаткичларининг динамикаси

Кўрсаткич	Норма	Гуруҳ	Муддат(кунлар)			
			1 кун	3 кун	5 кун	7 кун
Мочевина (ммол/л)	2,5-8,3	Назорат (n=51)	13,42±0,53	10,43±0,37	9,51±0,34	8,7±0,31
		Асосий (n=46)	14,75±0,49*	8,06±0,32***	6,53±0,24***	6,04±0,22***
Креатинин (мкмол/л)	44-106	Назорат (n=51)	159,8±5,8	154,9±5,3	138,7±4,7	122,6±4,2
		Асосий (n=46)	168,3±5,9	118,7±4,7***	108,5±3,8***	105,9±3,6**

Изоҳ: \*- назорат гуруҳининг кўрсаткичлари билан таққослаганда ишончли (\*-P<0,05; \*\*-P<0,01; \*\*\*-P<0,001)

Текширилган гуруҳларда умумий билирубин даражасининг ўзгариши, шунингдек бошқа ўрганилган параметрлар физиологик катталиклар нормада эди. Жарроҳликдан сўнг турли вақтларда тадқиқот ва назорат гуруҳларидаги беморларда баъзи биокимёвий параметрларнинг динамикаси (5-жадвал).

#### 5-жадвал

### Ферментлар ва билирубин кўрсаткичлари динамикаси

Кўрсаткич	Гуруҳ	1 кун	3 кун	5 кун	7 кун
АСТ, ммол/с/л	Асосий (n=46)	0,56±0,018*	0,45±0,016*	0,33±0,013*	0,18±0,007***
	Назорат (n=38)	0,63±0,021	0,51±0,018	0,37±0,015	0,28±0,011
АЛТ, ммол/с/л	Асосий	0,59±0,020	0,48±0,017	0,36±0,014*	0,21±0,007*
	Назорат	0,61±0,023	0,50±0,019	0,42±0,016	0,24±0,009
Билирубин, мкмол/л	Асосий	32,1±1,02**	27,4±0,97**	21,6±0,79***	12,5±0,51***
	Назорат	37,6±1,23	32,5±1,09	26,4±0,92	22,1±0,83

Изоҳ: \*- назорат гуруҳининг кўрсаткичлари билан таққослаганда ишончли (\*-P<0,05; \*\*-P<0,01; \*\*\*-P<0,001).

Таркалаган перитонитда қорин бўшлиғини санация қилиш услубига қараб, биз пайдо бўлган асоратларни, касалхонага беморлар ўрин куни давомийлиги ва беморларнинг ўлим ҳолатларини таҳлил қилдик (6-жадвал).

**6-жадвал**

Беморларда жарроҳликдан кейинги тарқалган перитонит асоратларнинг тузилиши

Асоратлар	Назорат гуруҳи (n=51)		Асосий гуруҳ (n=46)	
	абс.	%	абс.	%
Қорин девори инфилтрацияси	1	2,0	-	-
Қорин бўшлиғи абцесси	1	2,0	-	-
Жарроҳликдан кейинги операцион жароҳат йиринглаши	6	11,8	2	4,3
Операциядан кейинги яра инфилтрацияси	2	3,9	3	6,5
Қорин бўшлиғи эрта чандиқли касаллиги	1	2,0	-	-
Анастомоз етишмовчилиги	1*	2,0	-	-
Ўткир инфаркт миокарди	-	-	1	2,2
Жами	12	23,5	6	13,0

*Изох:* \*- узоқ давом этган перитонит ва полиорган етишмовчилиги (перитонитнинг терминал босқичи) фонида релапаротомиядан сўнг 1 та бемор вафот этди.

Дастлаб иккала гуруҳда кўтарилган билирубин даражаси асосий гуруҳда биров тезроқ нормал ҳолатга қайтди, АСТ ва АЛТ индекслари ҳам асосий гуруҳда 5 кун нормал ҳолатга қайта бошлаган.

Тарқалган перитонитда операция қилинган беморлар жарроҳликдан сўнг келиб чиққан асоратлари таҳлили шуни кўрсатдики, қорин бўшлиғи ФДТ санациясида 6 та ҳолатда асорат, 0,02% хлоргексидин эритмаси билан қорин бўшлиғи санациясида эса 12 та ҳолатда асоратлар келиб чиққан.

4-5-кунларда асосий гуруҳда 2 та беморда ва назорат гуруҳида – 6 та беморда тери ости тўқимасида йирингли жароҳат кузатилди. Назорат гуруҳидаги 3 та беморда ва асосий гуруҳдаги 2 та беморда ўртача яра инфилтрация кузатилди. Назорат гуруҳида қорин бўшлиғи абцесси 1 та беморда, ўткир ичак тугилиши 1 та беморда, анастомоз етишмовчилиги сабабли релапаротомия 1 та беморда кузатилган ва операциядан кейинги даврда асосий гуруҳда 70 ёшли 1 та беморда ўткир миокард инфаркти кузатилган.

Ушбу асоратлар кам сонли кузатувлар ҳисобига ишончли хулосалар чиқаришга имкон бермайди. Шундай қилиб, перитонитда қорин бўшлиғини ФДТ орқали санация қилиш, санация учун 0,02% хлоргексидин эритмасидан фойдаланилганда операциядан кейинги асоратларни назорат гуруҳига

нисбатан икки барабар камайтиришга имкон берди. Бундан ташқари, асосий гуруҳда беморнинг ётоқда қолишининг ўртача давомийлиги  $6,5 \pm 0,21$  назорат гуруҳида эса  $9,3 \pm 0,32$  яъни беморларнинг асосий гуруҳдаги қолиш муддати деярли 3 кунга қисқарган.

Назорат гуруҳида даволаниш давомийлиги ўртача  $9,6 \pm 1,7$  ётоқ кунини, асосий гуруҳда  $6,5 \pm 0,21$  ётоқ кунини ташкил этган (7-жадвал).

### 7-жадвал

Таққосланган гуруҳларда касалхонада ётиш вақти (ётиш куни)

Беморлар гуруҳи	Беморлар сони	Ётоқ кунлари
Назорат	51	$9,3 \pm 0,32$
Асосий	46	$6,5 \pm 0,21^*$

Изоҳ: \*- назорат гуруҳининг кўрсаткичлари билан таққослаганда ишончли (\*- $P < 0,001$ )

Олинган тажрибалар асосида йирингли перитонитнинг турли шакллари аъъанавий даволашнинг фармакологик бўлмаган усулини клиник ўрганиш бўйича олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, биз тавсия этган ФДТ усули қорин бўшлиғидаги яллиғланиш реакциясини тезроқ бартараф этишга ва шунга мувофиқ операциядан кейинги даврда беморларнинг тезкор реабилитациясига олиб келади.

Перитонитларда қорин бўшлиғини метилен кўки ёрдамида фотодинамик санациясидан фойдаланиш соғлиқни сақлаш тизими бюджет маблағларини тежашга ёрдам беради.

## ХУЛОСА

«Перитонитни даволашда фотодинамик антибактериал терапияни самарадорлигини тажрибавий ва клиник асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Метилен кўк эритмасининг оптимал нур ютиш спектри 500-700 nm оралиғида, ВОСТОК-010203 апаратини нурлатиш узунлиги  $640 \pm 20$  nm ни ташкил қилади, бу эса уларни фотодинамик самара олиш учун биргаликда ишлатилиши мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики (*S.aureus*, *E.coli*, *S.epidermidis*, *Enterococcus spp.*, *C.albicans*) ФДТ резистентлиги кучли микроорганизмаларга қарши аниқ бактерицид фаоллигини кўрсатади.

2. Метилен кўки (0,05%) эритмаси ёрдамида 3-5 дақиқа ўтказилган ФДТ соғлом қорин пардага сезиларли таъсир кўрсатмайди, аммо 0,02% хлоргексидин қорин пардага сезиларли салбий таъсир кўрсатади.

3. Тажрибаларга суянган холда АФДТни оптимал даражалари ишлаб чиқилди бунда МК оптимал даражаси 0,05%, ФДТ кучи 25-35 Дж/см<sup>2</sup> ни ташкил этади. Тажрибаларда асосий гуруҳда морфологик, лаборатор ва

биохимик кўрсаткичлари, назорат гурхуи кўрсаткичларга қараганда анча самарали эканлиги исботланди.

4. АФДТни оригинал усули ишлаб чиқилди ва қатор клиникаларга жорий этилди. АФДТ фойдаланилган асосий гуруҳ назорат гуруҳидаги беморлар билан таққосланганда ЭЧТ, тана ҳарорати, ЛИИ, биохимик ва гемопоз натижаларида анча самарали ўзгаришларга эришилди. АФДТ беморларни шифохонада даволаниш муддатини қисқартиришга имкон берди: асосий гуруҳда  $6,5 \pm 0,21$  кун, назорат гуруҳида  $9,6 \pm 1,7$  кун, бу эса беморларни даволашга сарфланадиган иқтисодий ҳаражатларни камайтиради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc/PhD.04/31.10.2019.Tib.93.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

---

**САБИРМАТОВ АЛИШЕР АБДИКАРИМОВИЧ**

**ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНО-КЛИНИЧЕСКОЕ ОБОСНОВАНИЕ  
ЭФФЕКТИВНОСТИ ФОТОДИНАМИЧЕСКОЙ  
АНТИБАКТЕРИАЛЬНОЙ ТЕРАПИИ В ЛЕЧЕНИИ ПЕРИТОНИТА**

**14.00.27 – Хирургия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**Бухара – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4.PhD/Tib1578.**

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте и Ташкентском институте усовершенствования врачей.

Автореферат диссертации доступен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на сайте Ученого совета ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Турсуметов Абдусаттар Абдумаликович</b> доктор медицинских наук
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Сафоев Бакодур Барноевич</b> доктор медицинских наук <b>Даутов Фарход Абдурасулович</b> доктор медицинских наук
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Санкт-Петербургский научно-исследовательский институт скорой помощи имени И. И. Джанелидзе</b>

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года в \_\_\_\_\_ на заседании Ученого совета по присуждению ученых степеней №DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 (Адрес: 200118, г. Бухара, проспект А.Навои, дом 1. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирован под № \_\_\_\_). (Адрес: 200118, г. Бухара, проспект А.Навои, дом 1. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года. (Протокол реестра № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года)

**А.Ш. Иноятов**  
председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Д.Н. Ачилова**  
ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии по медицинским наукам (PhD)

**Н.А. Нуралиев**  
председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В ряде стран мира с начала XXI века несмотря на прогресс и постоянное совершенствование методик хирургических вмешательств развитие перитонита при выполнении urgentных операций составляет 20-35% и приводит к летальности в 19-60% случаях». По данным конгресса международной ассоциации хирургов «...летальность при тяжёлых формах гнойного перитонита составляет - 25-30%, а при развитии полиорганной недостаточности - 90%. При перитонитах показатель летальности при операциях, выполненных в первые часы от начала заболевания достигает до 10%, первый день до - 50%, позже третьего дня летальность достигает до - 99%...»<sup>1</sup>. Принимаются специальные меры по снижению смертности пациентов за счет своевременного выявления острых хирургических заболеваний органов брюшной полости, комплексного лечения пациентов, использования современных технологий, повышения уровня специализированной помощи и улучшения качества жизни.

В мировой практике поиск новых, высокоэффективных методов лечения до сих пор является перспективным, особенно на современном этапе развития медицинских технологий. Перспективным направлением лечения перитонита является использование лазерных технологий и светодиодных излучений. Но антибактериальным действием низкоэнергетические лазеры и светодиодные излучения не обладают, поскольку их излучение не приводит к гибели микроорганизмов. Одним из решений этой глобальной проблемы, как считают ученые, может стать развитие методов антибактериальной фотодинамической терапии. На сегодняшний день одной из наиболее актуальных проблем является открытие фотосенсибилизаторов, которые более эффективны, менее токсичны и имеют более быстрый процесс выведения из организма, а также не секрет высокая стоимость существующих фотосенсибилизаторов. Общеизвестно, что бактериальный фактор является одним из ключевых в этиопатогенезе перитонита. При этом, особый вклад вносит появление высококовирулентной микрофлоры, резистентной к антибактериальным препаратам, связанные с наличием  $\beta$ -лактамаз. Известно, что исход лечения около 58% больных перитонитом практически не зависит от назначенных антибактериальных препаратов. Следует отметить, что описанный способ позволяет значительно снизить медикаментозную нагрузку и уменьшить риск развития нежелательных явлений.

В нашей стране среди осуществляемых в стране широкомасштабных мер по усовершенствованию системы здравоохранения, особое внимание обращается на раннюю диагностику заболеваний, снижение частоты их осложнений и профилактику. В этом плане обозначены задачи по коренному усовершенствованию комплекса мероприятий системы здравоохранения

---

<sup>1</sup> Complicated intra-abdominal infections in a worldwide context: an observational prospective study (CIAOW Study) / M. Sartelli, F. Catena, L. Ansaloni, E. Moore [et al.] // World Journal of Emergency Surgery. - 2013. - № 8. - P. 74 – 76.

«...повышение доступности и качества медицинского и социально-медицинского обслуживания населению, формирование здорового образа жизни населения...»<sup>2</sup>.

